




Агроўрмончилик (Agroforestry)да Италия давлати тажрибаси.

Агроўрмончилик (Агрофорестрай) – Қишлоқ ва ўрмон хўжалигининг уйғунлашуви бўлиб, бу ердан фойдаланишни бошқаришда дарахтлар ёки буталар атрофи, орасида қишлоқ хўжалик экинларини ўстириш, чорва, паранда боқиш орқали мевалар, сабзовотлар, дори-дармон, ёғоч маҳсулотлари ва бошқалардан фойдали ва сотиладиган маҳсулотларнинг кенг ассортиментини ишлаб чиқаришдир. Агро ўрмон хўжалиги кўплаб афзалликларга эга, масалан, асосий озик-овқат экинларидан ҳосилдорликни ошириш, деҳқонларнинг даромадларини ошириш, биологик хилма-хилликни сақлаш ва ошириш, тупроқ структураси ва унимдорлигини яхшилаш, эрозия ва углерод ажратиш хоссасини камайтиришларни мисол қилиш мумкин. Агроўрмончилик ва ўрмон хўжалигининг асосий фарқи. Агроўрмончилик бу ердаги мавсумий ёки бир йиллик ҳосил бўлган қишлоқ хўжалиги экинларидан ҳосил олиш фермернинг асосий мақсади бўлиб, далада қилинадиган барча тадбирлар ушбу ҳосилни яхшилашга қаратилган. Ушбу майдонга экилган дарахтлар эса қишлоқ хўжалиги экинига экологик ёрдам беради. Дарахтларнинг ўсиши фермер учун иккинчи даражали бўлиб, дарахтдан олинадиган фойда қўшимча ҳисобланади. Ўрмон хўжалигида даладаги асосий экин дарахт ҳисобланади ва қилинадиган барча тадбирлар ушбу кўп йиллик экиндан юқори ҳосил ёки ёғоч олиш учун бажарилади.

Италиядаги агроўрмон хўжалиги:

1. Италиядаги Силвопасторал агроўрмончилик тизимлари.

Силвопасторал тизимлар чорвачилик фермаларида дарахтларни бирлаштиришни ва ўрмонларда (масалан, ўрмон яйловларида) ва боғларда, хусусан, зайтун боғларида чорва молларидан фойдаланишни ўз ичига олади. Силвопасторал агроўрмончилик эгаллаган ер майдонлари доимий, ёғочбоп, бутазорлар ва сийрак дарахтли яйловлар билан 1,3 млн га ташкил этади.





2. Италиядаги зайтун агроўрмончилик тизимлари.

Зайтун дарахти (*Olea europaea* L.) Италияда 1,16 миллион га майдонни эгаллаган энг кўп экиладиган дарахт экини ҳисобланади. У айти пайтда агроўрмон хўжалиги тизимларида энг кўп етиштириладиган дарахт экинлари тури ҳисобланади.



3. Италияда экин ерларида агроўрмончилик тизимлари.

Ушбу агроўрмончилик тизими экин майдонларида дарахтларни кўпайтришни рағбатлантиради. Ана шундай амалиётлардан бири Солтура промиссуа - Италияда одатда дарахтлар, узумлар ва экинларнинг бирлашмасини кўрсатадиган кенг тарқалган атама. Солтура промиссуа бир соҳадан бир нечта хизматларни кўрсатадиган мукамал кўп функцияли қишлоқ хўжалиги тизими, яъни: озиқ-овқат (донлар, шароб ва мевалар), озуқа (пичан ва дарахт еми), ёкилғи (ёғоч) ва қурилиш материаллари (ёғоч).



Агроўрмончиликнинг афзалликлари

- *Агроўрмончилик иқлим ўзгаришини юмшатишига ҳисса қўиши мумкин; анъанавий қишлоқ хўжалигига қараганда кўпроқ биомассани ўз ичига*



олганлиги сабабли, у ўсимликлар ва тупроқларда кўпроқ углеродни сақлаши мумкин. Тупроққа ишлов беришдан қочиб, тупроқ эрозиясини ва

кейинчалик атмосферага CO₂ чиқишини олдини олади.

- *Агроўрмончилик иқлим ўзгаришига мослашишига ҳисса қўиши мумкин: дарахтлар томонидан тушадиган соя тупроқдаги сувни ушлаб туриши, ҳароратни пастроқ сақлаш ва намликни сақлаш орқали маҳаллий микроиқлимни назорат қилишда ёрдам беради;*
- *Агроўрмончилик тизимлари жуда мустаҳкам ва экстремал об-ҳаво ҳодисаларига бардош бера олади. У қушлар ва ҳашаротлар учун озиқ-овқат, бошпана ва яшаш муҳитини таъминлаш орқали биологик хилма-хилликни қўллаб-қувватлайди;*
- *Бундан ташқари, ҳашаротлар популяциясига зарар етказадиган пестицидларни қўллаш камаяди ёки бекор қилинади. Агроўрмон хўжалиги тизими анъанавий қишлоқ хўжалигига қараганда кўпроқ ўсимлик ва ҳайвон турларини ўз ичига олганлиги сабабли улар зараркунандалар ва зарарли бегона ўтларга қарши курашда самаралироқдир. Дарахтлар ва ўсимликлар (ўрмон соябони, илдизлари ва барглари) тупроқ эрозияси содир бўлишини олдини олади.*
- *Агроўрмон хўжалиги тупроқ устки қатламини ўз организмлари (чувалчанглр, ҳашаротлар) ва озуқа моддалари билан сақлайди ва тиклайди;*
- *Тупроқ сувнинг буғланишидан сақлайдиган ва тупроқда яшовчи организмларни озиқлантирадиган чиринди қатлами (барглр, кесилган новдалар ва бошқалар) билан ҳимояланган. Экинлар дарахтларни илдизларини тупроққа чуқурроқ юбориш учун итариб юбориши, озуқа моддаларининг айланишини ва ёмғир сувини сақлаш ва ушлаб туришини яхшилаши мумкин.*
- *Агроўрмон хўжалиги тизимлари қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини оширишига олиб келиши мумкин, чунки дарахт ва экин тизимларининг комбинацияси ажратилган дарахт ёки экин тизимларига қараганда қуёш радиацияси ёки сув каби ресурсларни самаралироқ қўлга киритишига олиб келиши мумкин.*
- *Ўғитлар ёки пестицидлар каби ташқи воситаларга бўлган эҳтиёж камаяди, чунки тупроқ унумдорлиги яхшиланади ва зараркунандаларга қарши табиий равишда курашиши мумкин.*
- *Агроўрмончилик комплекс тарзда олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини диверсификация қилишини таъминлаши мумкин, бу кўп маҳсулотдан йиллик ва даврий даромадларн и таъминлаш орқали иқтисодий фойдани ошириши мумкин; шунингдек, битта товарни ушлаб чиқариш билан боғлиқ хавфларни камайтиради.*



- *Маҳаллий ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш маҳаллий иқтисодийни рағбатлантириш, жумладан, иш ўринлари яратиш орқали бутун қишлоқ жамоатчилигига фойда келтириши мумкин.*
- *Агрофорестрий ов, балиқ овлаш, от минши, тоғда сайр қилиш, ёввойи табиатни кузатиш ва қишлоқ туризми каби кўнгилочар имкониятларни тақдим этиши мумкин, бу эса кенг жамоатчиликка фойда келтиради ва ер эгаларига даромадларни диверсификация қилиш имконини беради. Шунингдек, у ландшафтнинг хилма-хиллиги ва жозибadorлигини оширади, унга кўпроқ визуал таъсир кўрсатади монокультуралардан кўра одамларни жалб қилади.*

Мақола муаллифи

Шавкат Холдоров

*Токио қишлоқ хўжалиги ва технологиялар университети
илмий изланувчиси*